

Коррупция – барқарор тараққиётга таҳдид



Коррупция – барқарор тараққиётга таҳдид

Давлат ва жамият ривож, барқарор тараққиётга жиддий тўсиқ бўлиб, соҳалар юксалишига бевосита таҳдид туғдирадиган асосий иллат – бу коррупциядир.

Шу боисдан, мамлакатимизда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш чораларини кучайтириш, ушбу салбий иллатни илдизи билан йўқ қилиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш ва аҳоли орасида кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот ишларини ўтказишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Мазкур иллат ҳар қандай давлат ва жамият барқарор тараққиётининг хавфсизлигига, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан равнақ топишига жиддий зарар етказиб, халқнинг фаровон яшаши ва эркинликларини чекланишига сабаб бўлади.

Айниқса, коррупция фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари маъно-моҳиятини ўзгартиради ва жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариши билан барқарор тараққиётга таҳдид сифатида қораланади. Шу ўринда, ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти бўйича савол туғилади. Демак, “коррупция – давлат идоралари ходимлари моддий ёки мулкий йўсинда ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир”. Шу нуқтаи назардан, давлат хизматчилари коррупция фаолиятининг субъектлари ҳисобланади, чунки ўзаро манфаатларга асосланган муносабатлар юзага келишига сабаб бўладиган қарорлар қабул қилиш ёки ҳаракатлар содир этиш учун муайян ҳокимият ваколатига фақат улар эга бўлади.

Жамият ҳаётида коррупцияга қарши курашиш ва уни тизимли равишда профилактика қилишда давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти

институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолияти бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади.

Шундай экан, кун тартибидаги масаланинг нақадар ўткир муаммолардан бири эканлиги бўйича эътиборингизни қуйидаги рақамларга қаратмоқчиман.

Маълумотларга кўра, сўнгги йилларда мамлакатимиз “Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилотининг индексида 42 поғонага кўтарилди ва бу борада минтақамизда энг юқори ўринни эгалламоқда. 2030 йилга қадар мазкур рейтингдаги ўрнимизни яна 50 поғонага яхшилаш мақсадини кўзланган. Жорий йилда Ўзбекистон “Open Data Inventory” рейтингда эса 30-ўринга кўтарилди. Очiq маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўридан жой олган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топшириш маросимидаги нутқида таъкидланганидек, “бугунги кунда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион АҚШ доллариға яқин миқдорни ташкил қилмоқда. Аммо, бу катта рақамлар ҳақиқий ҳолатни ва коррупция натижасида кўрилаётган реал зарарнинг аниқ ҳажмини тўлиқ ифода этмайди. Энг ёмони – жамият кўрадиган маънавий зарар кўламини ҳеч қандай қиймат билан ўлчаб бўлмайди”.

Коррупциянинг салбий оқибатларининг зарари глобал ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоиздан ортиғини ташкил этса, ҳар йили глобал миқёсда коррупция туфайли давлат харидлари фондларининг 25 фоизгача қисми йўқотилади.

Жорий йилнинг 19 декабрь куни пойтахтимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топширишга бағишланган тадбирда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев муҳим ташаббусларни илгари суриб, “*коррупцияга қарши курашиш ҳар бир виждонли инсоннинг, ҳар бир демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир*” деб таъкидлади. Ўз навбатида, миллий ва хорижий экспертларнинг таъкидлашича, бундай салмоқли тадбирнинг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилиши мамлакатимиз раҳбарининг бу борадаги амалга ошираётган ишларининг самарадорлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётганидан далолатдир. Аммо, шундай ижобий ўзгаришлар шароитида айрим нопок амалдорларнинг давлатимиз раҳбарига камарбаста бўлиш ўрнига аксинча, коррупция ботқоғига ботиб, жамият тараққиётига ғов бўлиб, умри давлат ва жамиятнинг бугуни ҳамда келажакига хиёнат қилиш, ёш авлод онгини заҳарлаш билан ўтаётганлиги кенг жамоатчиликнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу эса, давлат хизматчиларига нисбатан халқнинг ишончини пасайиши, юқори турувчи органларнинг имиджини тушиши каби салбий ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Шу ўринда савол туғилади: бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг замонавий раҳбари қандай сифатларга эга бўлиши керак?, уларни лавозимга тайинлашда қайси мезонлар устуворлик қилиши лозим?

Ушбу саволларга жавоб топишда “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2023 йил 22 февраль кундаги №36 (825)-сонида таниқли сиёсатшунос олим Пахрутдинов Шукритдин Ильясовичнинг *“Янги Ўзбекистонда демократик жамият ва раҳбар масъулияти”* номли мақоласидаги фикрлар эътиборимни тортди.

Жумладан, ушбу мақолада **“.....бугун раҳбарлар ўзини қийнаши керак. Чунки жамият хавфсизлигини таъминлаш вазифаси барча раҳбарларнинг бурчидир”** деб раҳбарлик сифатлари очиб берилган. Олим таъкидлаганидек, бугунги замонавий раҳбар доимо ўз нафси устида ишлаб, шахсий ривожланиши, эл-юрт манфаатларида йўлида фидоийлик кўрсатиши, бошқарувни бўшаштирмаслик, салбий иллатларга берилмаслик кабиларга қатъий амал қилиши талаб этилади. Шу билан бирга, бугунги раҳбар ўз жамоаси аҳволи, ходимларнинг ижтимоий-сиёсий кайфияти, дунёқараши, орзу-интилишлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши шарт. Буларнинг барчаси жамланиб ислохотлар самарадорлигини таъминлайди.

Олим Ш.И.Пахрутдиновнинг ушбу илмий фикрлари ҳамда тадбиқий йўналишдаги ғоялари коррупция иллатига берилган айрим раҳбарларнинг фаолияти (эпизодик ёки фрагментар ҳолатлардан йироқ бўлган) самарадорлигини оширишда муҳим мезон сифатида ёритиб берилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга, олимнинг кадрлар сиёсатини олиб боришда қуйидаги яъни, уларнинг келажакда шундай салбий иллатларга йўл қўймаслик учун меритократияга асосланган, субъектив факторлардан холи раҳбарларни танлаш, тайёрлаш ва тайинлаш бўйича самарали механизмни ишлаб чиқишга оид фикрлари диққатга сазовор.

Бу эса ўз навбатида, коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, давлат ҳокимияти органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни белгилаш ва бажариш орқали мамлакатимиз барқарор тараққиётга таҳдидларни бартараф қилиш имкониятини оширади. Шунингдек, бу масъулиятли ва мурасасиз кураш йўлида Янги Ўзбекистон заминида демократик илохотлар ортга қайтмас тус олган ўзгаришлар шароитида ҳар бир бўғин раҳбарларининг ўз фаолияти самарадорлигини кўрсатишига тўсқинлик қиладиган сабаб ва омилларнинг пасайишига олиб келади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, коррупция фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари маъно-моҳиятини ўзгартиради ва жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасидаги янгича ёндашувларга бой самарали ислохотлар нафақат миллий балки ҳалқаро даражада ҳам эътироф этилмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг эътибор марказидаги муаммолар қаторидан жой олиш билан бирга, унга қарши муваффақиятли курашиш механизмларини ишлаб чиқиш, муросасиз қатъий чораларни белгилаш, энг муҳими бу борадаги ислохотлар ортга қайтмас тус олган тизимнинг барқарорлигини таъминлаш мамлакатимиз муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, коррупция ҳодисаси бу шунчаки жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эмас, балки биринчи навбатда маънавий бузилиш ҳолатидир. Шундай экан, ўйлаймизки, мазкур иллатга қарши курашда нафақат давлат органлари, балки, жамият ва умуман барча фуқаролар масъулдир.

Жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг тергов судьяси

А.Ҳакимов